



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри

20 13 йил "16" сентябрь № 343

**Олий таълим муассасалари проректорлари,  
директор ўринбосарларининг қисқа  
муддатли малака ошириш курслари  
яқунлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қароридаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида ташкил этилган олий таълим муассасалари проректорлари, директор ўринбосарларининг қисқа муддатли малака ошириш курслари яқунларидан келиб чиқиб, уларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларини янада ривожлантириш, бошқарув маҳоратларини узлуксиз такомиллаштиришга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида

## БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида олий таълим муассасаларининг проректорлари, директор ўринбосарлари учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари проректорлари, директор ўринбосарларининг касбий билим, малака ва кўникмаларини замонавий талабларга уйғун ривожлантириб бориш, бошқарув маҳоратларини узлуксиз такомиллаштиришга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда жорий йилнинг 2 октябридан бошлаб масофавий малака ошириш курслари ташкил этилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ (У.Бегимкулов) га:

жорий йилнинг 25 сентябрига қадар масофавий малака ошириш курси ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилсин, ўрнатилган тартибда тасдиқлансин ва электрон дастурий платформага жойлаштирилсин;

масофавий курсларни олиб боришга вазирлик ва ташкилотлар, Давлат бошқаруви академияси, олий таълим муассасаларининг етук мутахассислари жалб этилсин;

масофавий курслар ўқув жараёни мониторинги олиб борилсин ва йўналишлар бўйича курслар якунида вазирликка маълумот тақдим этиб борилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда проректорлар, директор ўринбосарлари учун масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармасига:

проректорларнинг масофавий малака ошириш курслари on-line машғулотларни олиб бориш бўйича Бош илмий-методик марказнинг мурожаатларига асосан вазирликнинг электрон таълим тармоғи орқали видеоконференциялар ўтказилишига тегишли шароитларни яратиб бериш топширилсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорларига:

проректорлар ва директор ўринбосарларининг жорий ўқув йили учун режалаштирилган фаолият дастурларини қисқа муддатли малака ошириш курсларида олинган янги билим ва кўникмалар асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

проректорлар, директор ўринбосарларининг масъулиятини ошириш, уларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратиш;

проректорлар, директор ўринбосарларининг Бош илмий-методик марказ томонидан ташкил этиладиган масофавий курсларда иштирок этишларини шахсан назоратга олиш;

соҳа проректорлари, директор ўринбосарларининг ҳар чоракда амалга оширган ишлари юзасидан олий таълим муассасасининг Кенгашида тақдимотлар ўтказилиб борилишини жорий этиш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев зиммасига юклатилсин.



Вазир

*Б.Ходиев*


Б.Ходиев

**Киритди:**

М.Пўлатов




**Келишилди:**



Ф.Ризаев

М.Иноятлов x/c



И.Маджидов



С.Бузрукхонов



О.Абдурахмонов

Р.Сулейманова

